

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРБОЕВ ЎКТАМ САФАРБОЕВИЧ

**“АСИЛ ВА КАРАМ” ДОСТОНИНИНГ ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯСИ ВА
ПОЭТИКАСИ (ТУРК, ОЗАРБАЙЖОН ВА ЎРТА ОСИЁ ВЕРСИЯЛАРИ)**

10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in Philological sciences

Норбоев Ўктам Сафарбоевич

“Асил ва Карам” достонининг қиёсий типологияси ва поэтикаси (турк,
озарбайжон ва Ўрта Осиё версиялари).....3

Нарбаев Уктам Сафарбаевич

Сравнительная типология и поэтика дастана “Асил и Керем” (турецкая,
азербайджанская и среднеазиатская версии).....27

Norboev Uktam Safarboevich

Comparative Typology and Poetics of the Dastan “Asil and Kerem” (Turkic,
Azerbaijan and Central Asian versions)51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications.....55

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРБОЕВ ЎКТАМ САФАРБОЕВИЧ

**“АСИЛ ВА КАРАМ” ДОСТОНИНИНГ ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯСИ ВА
ПОЭТИКАСИ (ТУРК, ОЗАРБАЙЖОН ВА ЎРТА ОСИЁ ВЕРСИЯЛАРИ)**

10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Fil664 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рўзимбоев Сафарбой

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна

филология фанлари доктори (DSc), профессор

Амонов Улуғмурод Султонович

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Нукус давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» ноябр соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-07, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (100 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2021 йил «05» ноябр кuni тарқатилди.
(2021 йил «05» ноябр даги 21-05 рақамли реестр баённомаси).



Д.С. Ўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

З.И. Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

М.М. Жўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида миллат менталитетини ўзида яққол ифодаловчи маънавий мерос сифатида асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб келаётган эпик жанр намунаси саналган дostonлар таҳлиliga эътибор кучаймоқда. Ижтимоий ривожланиш ўхшашлиги асосида типологик параллелларнинг юзага келиши, реал тарихий ва минтакавий шароитда эпослараро ҳамоҳанглик ва тафовутлар фольклор соҳасидаги адабий алоқалар таъсири масаласини кун тартибига чиқарди. Дostonлар лисоний хусусиятларининг мураккаб ва серқирралигига асос бўлган асарлар шаклланиш тарихининг қадимийлигини ва ижрочилари тафаккурининг генетик факторларини ёритиш эпослар яратилган даврнинг умумий дунёқарашини, анъанавий ижод шароитида даврлараро халқ руҳининг объектив ҳолатини ифодалаш, мазмун ва шакл жиҳатдан гоҳ кўламлашиб, гоҳ сиқик тарзда авлодларга етиб келиш шартларини илмий асослаш имконини беради.

Дунё дostonшунослигида Америка, Европа, Африка, Осиё халқлари билан туркий халқлар ўртасидаги сиёсий-иқтисодий, тарихий-маданий алоқалар негизида юзага келган фольклор ижод намуналарининг миллий ўзига хослиги, воқеаларнинг миллий эпик анъаналарда тасвирланиши кенг кўламда тадқиқ қилинган. Бироқ ўзбек халқи дostonчилик анъаналарининг салмоқли шохобчаси – Хоразм дostonчилиги дурдонаси саналмиш “Асил ва Карам” дostonининг генезисини аниқлаш, уни турк, озарбайжон ва туркман вариантлари билан қиёсий ўрганиш, халфа вариантидаги бадеҳагўйлик тамойилини ёритиш бадий нутқда эмоционал-экспрессив лексикани юзага келтирувчи омилларни, дostonлардаги кўчимларнинг лисоний хусусиятларини, бадий-эстетик функциясини лингвистика ва поэтика кесишувида илмий талқин этишга хизмат қилади.

Мамлакатимиздаги глобал ислохотлар доирасида ўзбек халқининг бой ва ранг-баранг дostonчилик анъаналари, ўлкада азал-азалдан бахшилар, халфалар, қиссахонлар томонидан элга тарғиб қилиб келинган дostonларнинг оғзаки, ёзма шакллари катта қизиқиш уйғотмоқда. Дарҳақиқат, «...дostonчилик ва бахшичилик – миллий ғуруримиз. Унинг замиридаги эзгу қадриятларни халқимизга етказиш лозим»¹. Шу маънода ўзбек, туркман, турк ва озарбайжон халқлари орасида кенг тарқалган, қадимият эҳсони бўлган “Асил ва Карам” дostonининг ҳудудий, лисоний, тарбиявий қирраларини лингвопоэтик аспектда ўрганиш дostonдаги хоразмийлар тилидан тортиб, араб, форс ўзлашмаларигача тадқиқ этишга, турли ижтимоий мафкураларнинг асар тилига таъсир қилганлигини кўрсатиб беришга, турк ва озарбайжон, туркман ва ўзбек версияларининг бир-бирига ҳамоҳанглигини белгилашга кенг йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маъқеини

¹ Мирзиёев Ш.М. Истикболли лойиҳалар халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. // Халқ сўзи. 2018-23 январ.

тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги 304-сон “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. “Асил ва Карам” достони турк, озарбайжон ва туркман фольклоршунослигида кенг доирада тадқиқот объекти бўлган². Ўзбек фольклоршунослигида дoston ҳақидаги дастлабки илмий изланишлар С.Р.Рўзимбоевнинг “Хоразм дostonлари” монографиясида берилган. Унда муаллиф дostonнинг туркман ва озарбайжон версиялари билан қиёслаган ҳолда ўрганади. Дoston ҳақидаги яна бир мақола Г.Эшчанова томонидан эълон қилинган бўлиб, унда “Асил ва Карам” дostonи ҳақида умумий маълумотлар келтирилган ҳамда асар композицияси талқин қилинган. У.Жуманазаров томонидан ўзбек фольклори ва тарих ҳақиқати, халқ ижоди бадиияти ишланган бўлса, С.Мирзаева ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси тадқиқини амалга оширган.. Эпик жанр тадқиқига ўзбек олимларидан: Ҳ.Т.Зарифов, М.С.Саидов, Т.Мирзаев, С.Р.Рўзимбоев, М.Жўраев; озарбайжон олимларидан; Н. Арасли М.Н. Тахмасиб, М. Нәкимов; туркман олимларидан; Б.А.Карриев, С.А.Карриев, А.Дурдиева; турк олимларидан: Filiz Aktükün, Dr.Nerın Kose ва бошқалар

² Arařtırmalar I Yard. Doç. Dr.Nerın Kose Ankara-1996; Ecevit, Yıldız (2006). Türk Romanında Postmodernist Açılımlar. İstanbul: İletişim Yayıncılık. Elçin, Şükrü (2000). Kerem ile Aslı Hikâyesi. Ankara: Akçağ Yayınları. Duymaz, ALI (2001). Kerem ile Aslı Hikâyesi Üzerinde Mukayeseli Bir Arařtırma. Ankara: Kültür Bakanlığı Yayınları. Filiz Aktükün. Azerbaycan âşiklik geleneğindeki Kerem ile Asli destanı üzerinde bir dinceleme Mayıs – 2008; Азәрбајчан мѣаббат дастанлары. Бақы, «Елм», 1979. –Б.70-166.; Нәкимов М. Азәрбајчан ашығ әдәбијјаты Бақы, «јязычы», 1983. –Б. 240.; Акимов Художественные особенности героических и любовных дастанов Азербайджана. Баку, «Билим», 1986. –С.64. Карриев Б.А. Народный роман «Асли и Керем», «Совет әдебияты» ж. №3, 1945; Гарриев С.А. Туркмен әдебиятының Совет Гундогары халқларының әдебиятлары билен өзара бағланышығының тарыхындан, «Ылым» Ашгабат, 1967; Дурдыева А. Туркменский народный дестан «Аслы и Керем». Автореф. Дисс Канд.фил.наук. Ашхабад, 1970; Мирзаев Т. Эпос и сказитель. Т.: «Фан», 2008. Мирзаев Т. Ходи Зариф сабоқлари. –Т.: “Shams Asa”. 2013. –Б.262-263.

ўзларининг илмий ишларини бағишлаган. Бирок ўзбек фольклоршунослигида бу дoston ҳақида илмий тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, монографик тарзда ўрганилмаган³.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Инглиззабон адабиёт тараққиётида адабий алоқалар ва ўзаро таъсир муаммолари» (2017-2021 йй.) номли йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “Асил ва Карам” дostonининг қўлёзма ва оғзаки вариантларидаги тафовутларни аниқлаш, туркий халқлар версиялари билан таққослаш ва асарнинг генетик илдизларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дostonнинг қўлёзма нусхаси ва оғзаки вариантыга тавсиф бериш;
дoston сюжетининг трансформацияси ҳақида маълум ечимларга келиш;
қиссахонлар ва халфа вариантларидаги бадиҳагўйлик тамойилларини қиёсий тарзда ёритиш;

дostonнинг туркий версияларини қиёсий типологик ва генеологик тадқиқ қилиш ҳамда ғарбда тарқалган айрим мотивлар билан қиёслаш;

дostonнинг тили ва бадиий хусусиятларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Асил ва Карам” дostonининг ўзбек, турк, озарбайжон ва туркман олимлари томонидан чоп этилган оғзаки ва қўлёзма вариантлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини “Асил ва Карам” дostonининг қиёсий типологияси ва поэтикаси, шунингдек, генетик илдизлари ҳамда қўлёзма ва оғзаки вариантларидаги тафовутлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертациянинг мақсадидан келиб чиқиб, ишда қиёсий-типологик, бадиий-эстетик таҳлил, шунингдек, психологик, услубий ва структурал усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дostonнинг ўзбек, турк, туркман ва озарбайжон намуналаридаги аждодлар руҳига сиғиниб фарзанд тилаш, икки мазҳабдаги ёшлар севгиси, жайронлар, турналар, тоғлардан нажот сўраш, Хизр ҳомийлиги, тилсимли кўйлак, тугма-фетиш, оловнинг пайдо бўлиши ва унинг қудрати, икки ёшнинг ёниб кулга айланиши, ўлиб тирилиши сингари илоҳийлаштирилган мотивларнинг диний, тарихий, маданий, ижтимоий муштарак омиллар билан шартланганлиги аниқланган;

дostonнинг ўзбек версиясидаги Карам ва Асилхон образлари асарнинг туркман, озарбайжон ва туркий версияларидаги муқобилларидан қаҳрамонона жасорат, дадиллик, жангу жадаллардаги жанговарлик каби қаҳрамонона ҳамда ижтимоий ва оилавий ҳаётнинг ташқи шарт-шароитлари билангина келиша олмаган завқли, кўтаринки муҳаббат темаси кўринишларидаги романик характери жиҳатдан фарқланиши далилланган;

³ Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. –Т.: “Фан”, 1985. –Б.80-92; Эшчонова Г. “Асил ва Карам” дostonининг композицияси. // Хоразм фольклори, VI том. Урганч, “Университет”. 2004. –Б. 36-39. ва бошқалар.

асарнинг оғзаки ва ёзма ҳар тўрттала версияси композициясида мифологик образларнинг тарихийлашуви, фантастик тасвирнинг реаллик элементларига кўчиши каби лексик-семантик, бадиий-стилистик трансформациялар келтириб чиқаргани ва қўлланган тушунчалар ижобий ва салбий коннотацияларини ифодалашда реаллик тамойилининг устуворлиги исботланган;

асар бадиий поэтикасини таъминлашда риторик сўроқ қурилмалар, мурожаатлар, градация (даражаланиш) усули, куйма иборалар, қофия ва радифларнинг марказий (бирламчи) функционалик, ўхшатиш, сифатлаш, метафора, метонимия, синекдоха каби лисоний-услубий воситаларнинг периферик (иккиламчи) функционалик касб этиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

достоннинг қўлёзма нусхасини тадқиқ қилиш жараёнида унда сақланган субстрат маъно ва ғоялар илдизи ёритилган ҳамда мотивларнинг трансформациялашувида ижтимоий-сиёсий воқеликнинг таъсири аниқланган;

асарнинг халфа вариантыдаги бадеҳағўйлик тамойиллари очиб берилган ва достоннинг ўғуз тоифасига кирувчи туркий халқлар фольклорида тарқалган версияларидаги умумийлик ва алоҳидаликлар далилланган;

ўзбек, турк, туркман ва озарбайжон достонларида бир хил кўринишдаги бундай шеърӣ парчаларнинг учраши қадимий адабий алоқаларнинг изи бўлиши билан бирга достоннинг битта ўзакдан тарқалганлигини исботлаши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-типологик, бадиий-эстетик таҳлил, шунингдек, психологик, услубий ва структурал метод каби усуллар билан асосланганлиги, муаммонинг аниқ қўйилгани, “Асил ва Карам” достонининг турк, озарбайжон ва Ўрта Осиё версияларининг қиёсий типологияси ва поэтикасини далиллашда илмий-бадиий манбаларга таянилгани, назарӣ фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмӣ ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмӣ аҳамияти унда чиқарилган назарӣ хулосалар жаҳон адабиётида эпик жанр поэтикаси ҳақидаги тасаввурларни чуқурлаштириб, бир тизимга солиши, “Асил ва Карам” достони версияларининг қиёсий типологияси, композицияси, генетик илдизлари ва поэтикасининг илмӣ-методологик ёндашувлар асосида таърифи ва тавсифий белгилари тавсия этилаётганлиги, ижтимоий воқеликлар таъсирида келиб чиқадиган турли психологик вазият ва ҳолатлардан фарқи, поэтик хусусиятлари ва қонуниятлари очиб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарӣ умумлашма ва таҳлиллардан олий ва ўрта махсус таълим тизимида, умумтаълим мактабларида ёшларга эпос, достон поэтикаси, анъанавӣ ижод шароитида достон ижрочилари тафаккурининг генетик омиллари тўғрисида адабий-назарӣ маълумотлар беришда, уларнинг жаҳон адабиётида тутган ўрнини

англатишда, фольклоршунослик тарихини ёзишда, бунга дахлдор “Жаҳон адабиёти тарихи”, “Адабиёт назарияси”, “Қиёсий адабиётшунослик” сингари дарсликларни яратишда, ўқув қўлланма ва мажмуаларни тузишда, адабий таъсир тарихидан илмий изланишлар олиб боришда, халқлар дўстлиги доирасида ўтказиладиган тадбирларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: “Асил ва Карам” достонининг қиёсий типологияси ва поэтикаси бўйича амалга оширилган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

достоннинг генетик илдамларини ёритиш, қўлёзма ва оғзаки вариантларидаги тафовутларни аниқлаш, туркий халқлар версиялари билан таққослашга доир илмий хулосалардан ФЗ-2016-0909165532 рақамли “Қорақлпоқ тилининг янги алифбоси ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 13 январдаги 89-03-171-сон маълумотномаси). Натижада фойдаланилган илмий хулосалар орқали Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикасини яратишга эришилган;

анъанавий тилшунослик назариялари, қиёсий-чоғиштирма тилшуносликнинг асосий тушунча ва тамойиллари ҳамда таҳлил методлари, замонавий тилшунослик парадигмаси тамойиллари асосида амалга оширилган қиёсий-типологик таҳлил, матнда грамматик ва лексик-семантик воситалар деривацион аспектининг назарий ҳамда амалий асосларидан Эрасмус+ дастурининг 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-SBHT-JP “Development of the interdisciplinary master program on Computational Linguistics at Central Asian Universities: CLASS” грант лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 13 январдаги 89-03-171-сон маълумотномаси). Натижада ушбу илмий янгиликлар профессор-ўқитувчилар учун яратилган ва татбиқ қилинган “Қардош халқлар учун ҳамкор дастурлар” курсини яратишда манба бўлиб хизмат қилган;

достоннинг ўғўз тоифасига кирувчи халқлар фольклорида тарқалган версияларидаги умумийлик ва алоҳидаликларни таҳлил қилиш, достон бадииятига алоҳида муносабат билдириш каби масалаларга оид хулосалардан “Ичан-Қалъа” гид ҳамроҳ-таржимонлар фаолиятини такомиллаштириш, хусусан тил ва маданиятлараро мулоқот кўникмаларини янада ривожлантириш тренинг фаолиятларида татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2021 йил 6 январдаги 05-12-08-49-сон маълумотномаси). Натижада тренинглар самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатган;

достоннинг халфа варианты талқини билан боғлиқ илмий хулосалардан Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди қошидаги “Авесто” музейи фаолиятида фойдаланилган (Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фондининг “01-76-25/12-20 маълумотномаси). Натижада тадқиқот

хулосаларидан олинган маълумотлар асосида музейга ташриф буюрувчи ёшларга халқ дostonлари, фольклор, хусусан Хоним халфа Саидамат қизи фаолияти тўғрисида бериладиган маълумотлар самараси ошган;

“Асил ва Карам” достони ва унинг ижрочиси Хоним халфа Саидамат қизи ҳақидаги маълумотлардан Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг “Қадрият” радио эшиттириши сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 17 декабрдаги 01-20-233 сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот объекти қилиб олинган манбалар эшиттиришнинг мазмунли ва оммабоп бўлишини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола – хорижий журналларда 4 та, республика журналларида 2 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 165 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ўрганилиш даражаси, илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг объекти, илмий янгилиги, методологик асоси ва методи, илмий ҳамда амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорийланиши ва синовдан ўтиши, тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг I боби “**Асил ва Карам**” достонининг генезиси, унинг қўлёзма ва оғзаки вариантлари” деб аталиб, икки фаслдан иборатдир. Биринчи фасл “Достоннинг шаклланишидаги илк манбалар ва унинг ёзувга кўчиши” деб номланади. Ушбу фаслда Достоннинг шаклланишидаги илк манбалар ва унинг ёзувга кўчирилиши ва туркий халқлар орасига ёйилиши ҳақида сўз юритилади. Хоразм воҳаси эпик ижодиётнинг қадимий бешикларидан биридир.

“Ҳар бир халқ эпоси энг аввало унинг миллий тарихидаги хотиралар асосида шаклланади¹. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда кўҳна воҳа тарихининг илдизи жуда теран бўлиб, “Авесто” китоби каби ёзма манбалар масканидир. Шу сабабли бу ўлкада кўпроқ мифология билан боғлиқ романик дostonлар кенг оммалашган. Уларнинг замирида эса аксарият ҳолларда “Авесто” ва “Шоҳнома”га хос афсонавий образлар ўзини намоён қилиб

¹ Азбелев С.Н. Историзм былин и специфика фольклора. –Л.: Наука, 1982. –С.209 (326)

туради. “Асил ва Карам” достони ҳам таркибидаги мифологик лавҳалари билан энг қадимги асотирларни ўзида акс эттиради.

Ундаги “Карам образи ошиқларнинг афсонавий “андоза”си бўлиб, маъшуқаси йўлида оғзидан кўшиқ билан кўшилган ҳолда ўт чиқиб, севги алангасида ёниб адо бўлган мўъжизавий ҳалокати билан абадий шон-шарафга чулғанди”². “Асил ва Карам” достонидаги олов билан алоқадор лавҳага эътибор қаратилса, асар сюжетининг жуда қадимий эканлиги диққатни тортади. Бу борада Е.Э. Бертельснинг фикрлари жуда асослидир. У “Эрон адабиёти ва маданияти тарихи” китобида кўплаб форсиғўй адиблар қаторида XI асрнинг I ярмида яшаб ижод қилган шоир Унсурий ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. Олимнинг таъкидлашича, Унсурий кўплаб лирик асарлар билан бир қаторда учта дoston ҳам яратган. Булар-“Вомиқ ва Узро”, “Хинг бут-у Сурх бут” (Оқ санам ва Қизил санам” (бут), “Шодбахру Айнул Ҳаёт” дostonларидир³. Шу нарса характерлики, Унсурий Абу Райҳон Беруний билан бирга ишлаб ижод қилган. Унинг учта дostonини Беруний араб тилига таржима қилган. Бу асарларни ёзишда Унсурийнинг ўзи ҳам араб манбаларидан фойдаланган⁴. Ушбу дoston орасида “Вомиқ ва Узро” алоҳида кўзга ташланиб туради. Асар муқаддимасида бефарзандлик мотиви берилган бўлиб, унда битта олмани эр-хотин бўлиб ейишлари асосида фарзандга эга бўлишади. Бу мотивнинг илдизлари қадимги зардуштийлик динига алоқадор мифлардаги мотивларга уйқаш келади ва ибтидоий жамиятдаги партогенез ҳодисаси билан узвий боғланиб кетади.

Е.Э. Бертельснинг кўрсатишича, “Вомиқ ва Узро”даги ушбу лавҳа Озарбайжонда кенг тарқалган “Асли-Карам” дostonининг сюжетида яққол кўринадди. Йиллар ўтиб зардуштийлик даврида кенг оммалашган сюжет муайян трансформацияга учраган. Ундаги муқаддимада партогенезис ҳодисаси тўла барҳам топган. Аммо бефарзандлик мотиви сақланган.

Дostonнинг финалидаги олов билан алоқадор мотив сақланиб қолган бўлса-да, унинг покловчи хусусияти, ишқ олови эканлиги трансформациялашиб, тилсимлаш тамойилига айланган. Муқаддима ва хотима Ислом дини ақидалари асосида қайта ишланиб, энг қадимги оташпарастлик билан алоқадор ғоя ўз кучини йўқотган.

Дostonдаги энг қадимги мотивлардан яна бири китобхонни сирли оламга етакловчи фетиш билан алоқадор лавҳадир. Карам тилсимланган Асилхоннинг тугмаларига қўл теккизиши билан ундан олов чиқа бошлайди.

“Асил ва Карам” дostonининг қўлёзмага кўчирилиши эса XIX асрнинг бошларига тўғри келади. Шу сабабли унда Ислом динининг таъсири жуда кучли. Ўз навбатида асарнинг лексик хусусиятларига қараганда унда форсий лексиканинг кучли таъсири ўзини сақлаб қолган. Демак, дoston XIV асргача яшаб келган хоразмийлар тилининг таъсиридан батамом чиқиб кета олмаган. Бу ҳақда навбатдаги фаслларимизда батафсил сўз юритамиз.

² Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. –Л.: Наука, 1974. –С.206 (728)

³ Бертельс Е.Э. История литературы и культуры Ирана.-М.: “Наука”, 1988. С. 24.

⁴ Булгаков П.Г. Гуманитарное наследие Беруни. // Беруни и гуманитарные науки.-Т.: «Фан», 1972. С. 43.

Бизнинг қўлимиздаги ёзма нусха охирида 1241 хижрий йили қайд қилинган. Бу сана 1825 мелодийга тўғри келади.

“Асил ва Карам” достони жаҳонгашта бўлиб, сайёр сюжет сифатида тарқалган. Ушбу сюжет асосидаги дostonлар ўзбек, озарбайжон, туркман, уйғур, қозоқ, татар, қирғиз, турк, эрон, болгар, арман, грузин халқлари орасида ҳам кенг оммалашган. “Асил ва Карам”нинг тошбосма нусхаси 1916 йилда “Шахзода Карам ва Аслхон” номи билан Тошкентда Мулло Мирзоҳид Мирсиддиқ ўғли томонидан чоп этилган⁵. Достоннинг 1241 хижрий, 1825 мелодий йилда кўчирилган қўлёзмаси асосида чоп этилган нусхаси мавжуд⁶.

Қўлёзма Хонқа тумани Қирқёп қишлоғида яшаган Сўна Эшматовога тегишли бўлиб, дoston таркибида 988 шеъри мисра ишлатилган.

Бобнинг иккинчи фасли “Асил ва Карам” достонининг оғзаки варианты” деб номланади. Дostonларнинг яратилиши, оғзаки ижродан ёзма нусхаларга кўчиши ва ўз навбатида ёзма нусхалар асосида унинг оғзаки шакллари рўёбга чиқиши жуда ҳам мураккаб жараёндир. Хоним халфанинг ушбу сюжет асосида ёзувга олинган бир қанча нусхаларни ўқиб ўзлаштиргани шубҳасиздир. Чунки оғзаки вариант бизнинг қўлимиздаги ёзма нусхадан жиддий фарқларга эга. Ёзма нусха фақат мураббалардан иборат бўлса, оғзаки вариантда тўртта ғазал ҳам бор. Мисралар сони 370 та бўлиб, ёзма нусхадан анча кам.

“Асил ва Карам” достонининг оғзаки вариантыни таниқли фольклоршунос олим Ҳоди Зариф 1930 йилда ёзиб олган. Ўша пайтда олим Хивага келиб. бахши ва шоира халфалар билан учрашгани ҳамда мазкур дostonнинг ёзиб олиш жараёнини, унинг ижрочиси фазилатларини қуйидагича ҳикоя қилади: “Мен бу вақтга қадар халқ ижодчиларининг зўр вакиллари кўрганман, аммо аёл халқ шоирлари билан шахсан учрашмаган эдим. Хивада шунга муяссар бўлдим. Бекжон Раҳмонов хивалик Хонимжон аяни даш-ҳовлига етаклаб келди. Мени Хоразмда традицион эпос ҳам қизиқтирар эди. Шу туфайли мен Хонимжон аяни традицион дostonларга йўллай бошладим. У буни ўрганган, қайси йиғинда бўлса, куйлашга ҳозир ижодкор экан. Репертуарини эшитиб чиққандан кейин “Асилхон” (“Асил – Карам”) дostonи ёзиб олишни танладим⁷.

Дostonнинг Ҳоди Зариф ёзиб олган араб алифбосидаги матни ЎзРФА Тил, адабиёт ва фольклор институти фондида №42-рақамли инвентарда сақланмоқда. Биз Ҳоди Зариф қўлёзмаси ва Назира халфадан ёзиб олинган парчалар ҳамда қўлёзма нусхаларни қиёслаб дostonнинг оғзаки вариантыни чоп қилдиришга мушарраф бўлдик⁸. Дostonнинг оғзаки варианты анча қисқа. Айрим шеърий парчалар қўшилган, қўлёзма нусхадаги айрим шеърлар тушириб қолдирилган. Ҳоди Зарифнинг араб алифбосидаги қўлёзмаси анча унниққан. Шу сабабли айрим сўзларни аниқ ўқиш қийин. Матннинг кирилл

⁵ Маҳмудова Р. Халқ китоблари ва айрим қиссалар. Адабий мерос, II китоб. –Т.: Фан, 1971. –Б.255. (254-258).

⁶ Ошиқнома, II китоб. –Урганч, “Хоразм”, 2006. –Б.254-297-бетлар.

⁷ Мирзаев Т. Ҳоди Зариф сабоқлари. –Т.: SHAMS ASA, 2013. –Б.262.

⁸ Ошиқнома, VIII китоб. –Урганч, университет ноширлик бўлими, 2019. –Б.53- (Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, Ў.Норбоев, И.Исмоилов, М.Матқулиева, Д.Худойберганова)

алифбосига ўтказилган вариантида эса ғализ ифодалар, тушуниш қийин бўлган сўзлар анчани ташкил этади. Натижада қўлёзма нусха, Назира Собирова варианты ва Хоним халфа вариантларини матний таҳлилини амалга оширишга тўғри келди. Оғзаки вариант анча қисқа бўлишига қарамай, унда Хоним халфанинг юксак бадеҳагўйлик истевдоди рўёбга чиққан. Кўплаб шеъринг парчалар дoston таркибига янгидан қўшилган. Уларнинг айримлари ўзида халқ қўшиқларининг оҳангдор услубини намоён қиладик, уларни бевосита шоира халфанинг ижодига дахлдор деб ҳисоблаш мумкин. Масалан:

Ҳар гўзални гўзал дема, Ёлборма кўнглим, ёлборма,
Гўзал сени демагунча. То ўзи ёлбормагунча. (6-бет.)

Уч банддан иборат ушбу қўшиқ ўзининг энгил вазни ва равонлиги билан ажралиб туради ҳам мусиқага мос тушади. Шу сабабли мазкур тўртликлар ҳалигача Хива халфалари томонидан ижро қилиб келинаётир.

Илгари қайд қилганимиздек, оғзаки вариантда бир қанча ғазаллар ҳам кўзга ташланади. Ғазалларни Хоним халфа ижодига тегишли эканини аниқлаш анча қийин масала. Уларнинг иккитаси 15, иккитаси 16 ҳижодан иборат мисралардан тузилган. Улар аруз талабларига тўла жавоб беради:

Хастаман ҳаж/рингда ман, эй/ шаҳи султо/ним, эшит.

– V – – / – V – – / – V – – / – V –

Фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоилун

Ўлгудекман / кўрмасам, сар/ви хиромо/ним, эшит

– V – – / – V – – / – V – – / – V –

Фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоилун

Рамали мусаммани маҳзуф

Ушбу ғазаллар “Асил ва Карам” дostonининг илгаридан келаётган қўлёзмалари таркибидан жой олган бўлишлари ва Хоним халфа репертуарига тайёр ҳолда кириб келган бўлиши ҳам мумкин.

Бизнинг қўлимиздаги нашр қилинган нусхада мазкур ғазалларнинг йўқлиги уларнинг бошқа қўлёзмаларда мавжудлигини инкор эта олмайди.

Яна бир мулоҳаза туғиладик, ушбу ғазалларнинг айримларини Хоним халфа ижодига мансуб бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Чунки Хоним халфа мударрислардан таълим олган. Унинг чевараси Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Қурёзовнинг ёзишича, Хонимжон ая зеҳли, илм-фанга, айниқса адабиётга жуда қизиққан қиз бўлиб ўсади. Етти-саккиз ёшларида Навоий, Низомий, Машраб ва Оғаҳийларнинг ғазалларини, кўплаб халқ-оғзаки ижоди асарлари, дostonларни ёд билган, 14-15 ёшларида араб, форс тилларини мукамал эгаллаган. Ўн ёшларидан бошлаб шеър ёзишни машқ қилган⁹. Ёшлигидан салоҳиятли ва иқтидорли бўлган бу аёлни Муҳаммад Раҳимхон Соний-Феруз жияни Қутлимуродга никоҳлаб беради ва саройдаги аёл санъаткорларга бошчи қилиб тайинлайди. Мана шу омиллар Хоним халфанинг арузда шеър ёзиши мумкинлигига муайян қафолат бера олади.

⁹ Қурёзов Т.Нотекис йўллар (эсдаликлар) –Т.: 2014. –Б.3. (126)

Хоним халфа фаолияти Хивадаги халфачилик санъатининг юқори босқичга чиқишида алоҳида рол ўйнайди¹⁰.

Нашр қилинган кўлэзма билан оғзаки вариантдаги шеърӣй парчаларни таққослаганда ўзаро фарқлар катта доирани ташкил этади.

Достондаги образлар фаолиятига разм соладиган бўлсак, ёзма нусха билан оғзаки вариантдаги фарқлар унчалик бўртиб кўринмайди.

Оғзаки вариантдаги баён услуби ёзма нусхадагидан фарқ қилади. Унда наср билан назм алмашуви жараёнида алқисса, андин сўнг каби анъанавий ифодалар кам. Шеърӣй парчага навбат берилиши олдидан бир ғазал айтди, бир ғазал ўқиди, бир савол айтди, бир сўз айтди каби иборалар кўлланилган. Ўз навбатида энди сўзни Карамжондан эшитинг”, “Энди сўзни подшодан эшитинг” каби анъанавий ифодалар тез-тез учрайди.

Бинобарин, оғзаки вариант ёзма нусхалар асосида қайта ҳикоя қилинган ва турли ўзгаришларга учраган. Бу ўзгаришлар унинг услубида ҳам, лексикасида ҳам намоён бўлади.

Диссертациянинг **“Достоннинг қиёсий-типологик таҳлили”** деб номланган иккинчи боби икки фаслдан иборат. Илк фасл “Турк ва Озарбайжон версияларининг ўзбек версияси билан генетик ва типологик алоқалари” деб номланган

Эпос миллий муҳитда яратилиб, оммалашар экан, албатта ижрочиларнинг устозлик-шогирдлик анъаналари, кўшни халқлар билан бир ҳудудда яшаб, маданий алоқаларга киришиши асносида бир халқдан иккинчи бир халққа ўтиб, оммалашуви мумкин. Эпик асарларнинг типологик ва ўзаро таъсир натижасида ўзлаштирилиши хусусида фанда турлича қарашлар юзага келган. “Ижтимоий ривожланишнинг ўхшашлиги асосида типологик параллелларнинг юзага келиши фольклор соҳасидаги халқаро алоқалар таъсири масаласини инкор қилмайди. Аксинча, айнан ижтимоий вазиятнинг бир-бирига яқинлиги бундай ўзаро таъсирларга шарт-шароит ҳозирлаб генетик фактор учун кўшимча имконият яратади. Чунки реал тарихий шароитда бошқалардан мутлоқ ажралган ҳолда, алоҳида бир маданий ривожланишнинг бўлиши мумкин эмас... Компаративистларнинг хатоси шуки, улар истаган бир типологик мосликни ўзаро таъсир натижаси деб ҳисоблашади¹¹. Бу борада рус фольклоршуноси В.И.Чичеровнинг фикрлари янада характерлидир: “Рус фольклори шундай бир халқлар фольклори билан умумий қирраларга эгаки, ушбу тоифа халқлар билан руслар ҳеч қачон на сиёсий, на иқтисодий, на маданий-тарихий, на қариндошлик алоқаларига эга эмас. Масалан, Шимолий ва Жанубий Америка, Африка халқлари ижодида шундай сюжетлар ва кўшиқлар борки, улар рус ва Европа, Осиё халқлари фольклоридаги айрим сюжет ва кўшиқларга тўла мос келади. Бу ҳолат оддий мос келиш, типологик параллеллардир”¹².

¹⁰ Бу ҳақда қаранг: Рўзимбоев С. Хоним халфа ҳаётининг янги саҳифалари. // “Ўзбек тили ва адабиёти” 2017. №1. –Б.84-87.

¹¹ Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение.-Л.: наука, 1979. –С. 188. (492)

¹² Чичеров В.И. Русское народное творчество. изд.МГУ, 1959. –С.19.

И.В.Пухов туркий халқлар эпосидаги типологик ўхшашликларнинг сабабини икки омил билан боғлайди: 1. Халқнинг ҳудудий яқин яшаши ва уларнинг маданий ҳаётининг умумийлиги ҳамда генетик бирлиги. 2. Ижтимоий ҳаёт тарзининг ўхшашлиги. Ушбу омилларнинг биринчиси генетик умумийликка, иккинчиси типологик ўхшашликка олиб келган¹³.

Шу билан бирга биз сўз юритмоқчи бўлган туркий халқларнинг ҳам ҳаёт тарзининг табиий ва социал ўхшашлиги, диний-мифологик тасаввурларининг ягоналиги ва яқинлиги жуда кенг географик ҳудудларни қамраб олиши, маданий-тарихий умумийликнинг пайдо бўлишига олиб келди¹⁴. “Асил ва Карам” достонининг ҳудудий географик тарқалишининг асосий сабаблари ҳам ўша омилларга боғланади. Достонлардаги шеърий матнлар ҳар бир халқ ижодида ўзгача жило, ўзгача оҳанг касб этган.

Ўз навбатида шу нарсани ҳам таъкидлаш лозимки, бу қардош версияларнинг бир ягона манбадан тарқалиб, кейинчалик ўзгариб кетганлигини тасдиқловчи далиллар ҳам анчани ташкил этади. Айрим шеърий парчалар учала вариантда ҳам бир-бирига яқин келади:

Ўзбекчада: Турнам гетарлар кошона, Бир рўмол берам нишона,
 Йўлда дўшана-дўшана, Бизнинг юрта кўп-кўп салом¹⁵.

Туркманча: Дурнам, гидер сен кашана, Десмалым акит нишана,
 Гарлы даглардан ашана, Бергил Аслы хана, дурнам¹⁶.

Озарбайжончада: Дурна, телин шана-шана, Алын сизэ бир нишана
 һәм о јана, һәм бу јана, Верим, јара салам дејин¹⁷!

Бу парчалардан кўринадики, учала версиядаги матнда ҳам маълум ўзгаришлар юз берган бўлса-да, уларда мазмун жиҳатдан ҳам шакл жиҳатдан ҳам ўхшашлик мавжуд. Ҳар учала версиядаги қофияларгача бир –бирига ҳамоҳанг келади. Шуниси характерлики, ҳар бир халқ шеърий матнларга ўз нуқтаи назаридан ўзгартиш киритган. Шу сабабли улардаги ўзгаришларнинг салмоғи ҳам турлича даражада намоён бўлади. Ўзбекча версиядаги шеърий матнлар кўпроқ туркманча версиядаги шеърларга яқин турса-да, айрим ҳолларда баъзи бир шеърий парчалар туркманчадагига қараганда Озарбайжон версиясидаги шеърий матнга ўхшаш келади:

Ўзбекчада: Турнам гетар эли бирлан, Карамжоннинг дили бирлан,
 Қорли доғлар сели бирлан, Турнамжоним кўп-кўп салом¹⁸.

Озарбайжончада: Дад сејрагыбын элиннән, Дәрдли Кәрәмин дилиннән,
 Ашыг дагларың белиннән, Дурнам, јара, салам дејин!¹⁹.

Бу тўртлик турк версиясида қуйидагича берилган:

Keklik gibi sekişliden, Bir harâmi bakişlidan,

¹³ Пухов И.В. Героический эпос тюрко-монгольских народов Сибири (общность, сходства, различия). Типология народного эпоса. –М.: наука, 1975. –С.13.

¹⁴ Стеблева И.В. Культурные контакты тюркских народов в древности и раннем средневековье. // «Советская тюркология». Баку. 1987. №3. –С.83

¹⁵ Ошиқнома, II китоб, 289 -бет.

¹⁶ Аслы-Керем, Ашхабад, 1965, 78-бет.

¹⁷ Азәрбајжан мәнһәббәт дастанлары, Бақы, «Елм» нашриёти, 1979 й.

¹⁸ Ошиқнома, II китоб, 288-бет.

¹⁹ Ўша китоб, 112-бет.

Gögsi elvân nakişlidan, Ben dönerim gönül dönmez. (Duymaz, 2001.288.)

Озарбайжон версиясидаги тўртлик бу парчага жуда яқин келади:

Кәклик кими сәкишлидән, Бир харамы бахышлыдан,
Көксу элван нахышлыдан, Мән дөнәрәм, көнүл дөнмәз.

(Азәрбајжан мәһаббәт дастанлары, 151-бет.)

Учта версиядаги парчаларга разм солинса, турк ва озарбайжон версияларига дахлдор парчалар ўзаро жуда яқин, ўзбек версияси эса улардан жиддий узоклашиб, фақат охирги мисра ўзгаришсиз ҳолда сақланиб қолган.

Турк версиясидаги шеърий парчаларнинг аксарияти ўзбек ва туркман версияларидаги шеърий мисраларга ҳамоҳанг келади.

Севдигим бошдин оёқа, Саримдур санго садаға,

Бўйинг қирмизи кийибдур. Ёрим қирмизи кийибдур.

Турк версиясида: (Ошиқнома II китоб, 284-бет.)

Sevdiğim baştan ayağa, Yaraşır kendi dalına,

Al kirmizi giyinmiştir. Al kirmizi giyinmiştir.

Достон элдан-элга кўчиб, ижрочидан ижрочи репертуарига ўтиб, ёзувга кўчирилгандан сўнг котибдан котибга ўтиб, каттагина ўзгаришларга учраган.

Ёзувга олинган қисса-достонларда ўзига хос стереотип бошланма мавжуд. Ўша анъанавий муқаддима турк достонларида ҳам ўзгаришсиз ҳолда учрайди: “Raviyan-i ahbâr ve nâkilân-i âsâr ve muhaddisân-i ruzi-gâr şöyle rivayet ederler ki, zaman-i evâilde, Isfahan şehrinde bir Şah`la onun haznedari bir keşiş vardı”. Ушбу анъанавий муқаддималар туркий халқлар орасида тарқалган қўлёзма достонларидаги услубнинг бир хиллигини кўрсатади.

Биз сўз юритаётган достоннинг турк версиясининг озарбайжон версиясига сюжет жиҳатидан жуда яқинлигини қайд қилиб ўтдик. Ундаги мотивлар силсиласи ҳам ўзаро мос келади. Достоннинг турк версиясида архаик мотивлар барқарор сақланган. Биз олдинги фаслларимизда “Асил ва Карам” нинг қадимги сюжети партогенез ҳодисаси билан алоқадорлигини, бироқ мазкур мотив унинг Хоразмда тарқалган версиясида унутилганлигини, шу билан бирга ушбу мотив “Хирмондали” достонида мавжудлигини айтиб ўтган эдик. Турк версиясида эса ушбу мотив барқарор сақланган. Турк версиясидаги мотивлар силсиласи қуйидагича: *Олма мотиви*. Мева орқали туғилиш мотиви жуда қадимий бўлиб, унинг илдизлари “Таврот”га бориб тақалади. *Туш орқали ошиқ бўлиш мотиви*. Уйқу, туш қадимданок кишиларга сеҳрли бўлиб кўринган. Ушбу сирли ходисанинг фольклорда ҳам чуқур излари мавжуд. Кўпгина достонларда ошиқ маъшуқасини дастлаб тушида кўриб, уни севиб қолиб, эртаси туриб ёрини излаб кетади. “Эпосда қахрамоннинг бирор-бир мева ёхуд тотем ҳайвон сабабли ёки ҳомий рух туфайли дунёга келиши...”²⁰ кўп учрайди. Туркларда тушда шароб ичиш орқали ошиқ бўлиш мотиви мавжуд. Бунинг бир томони мусулмонликдан аввалги шомонлар санъати билан ҳам боғланади. Ушбу мотив нафақат Осиё халқларида, балки ғарб адабиётида ҳам учрайди. “Тристан ва Изолда” асари бунга мисол бўла олади. (Vaşgöz. 1986:33) Тушида шароб ичиб ёки ичмай

²⁰ Эшонқул Жаббор. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. –Т.: Фан, 2011. –Б.174. (302)

ошиқ бўлиш туркий халқлар дostonларида кўп учрайди. Шунингдек Тоғнинг йўл бериш мотиви, Сувнинг йўл бериши мотиви, Дуо ва бад дуо мотиви, Жайронга мурожаат қилиш мотиви, Хизрга йўлиқиш мотиви, Кесик бош (калла) билан мулоқот мотиви, Вайронага дуч келиш мотиви, Тиш олдириш мотиви, Оҳ чекканда оғзидан ўт чиқиши мотиви, Сеҳрли нимча мотиви, Карам билан Асилнинг ёниши мотиви каби мотивлар ҳам диссертацияда қиёсий таҳлилга тортилган, ўхшашликлар ва миллий алоҳидаликлар очиб берилган. Карам билан Асилнинг ёниши мотиви ҳам энг қадимги асотирларга алоқадор бўлиб, арабларнинг “Минг бир кеча” эртакларида ҳам кўзга ташланади. Турк олими Дуймаз ўтда ёниш мотивини тасаввуф адабиётидаги какнус қуш билан боғлайди. (Duyuz, 2001: 169). Афсоналарга кўра какнус қушнинг овози соз, куйнинг пайдо бўлишига сабабчидир. У минг йил яшаб ўз жуфтига эга бўла олмаган ва умрининг охирида ўзидан насл қолдира олмагани учун жисмини ўтга ёққан ва кулга айланган. Ўша кулдан қуш тухуми пайдо бўлиб, барча қушлар ўша тухумлардан чиқиб, ҳаётга қадам қўйган.

Бинобарин, олма (партогенез), тушда ошиқ бўлиш, оҳ чекканда оғзидан ўт чиқиш, тилсимли нимча, Карам ва Асилнинг ёниб кулга айланиши каби қатор мотивлар турк версиясининг ўзига хослигини намоён қилади. Дostonдаги қадимий мифик лавҳалар, тасаввуф адабиёти билан боғлиқ дуо ва банддуолар, улар воситасида турли эпик тўсиқларнинг бартараф бўлиши асарнинг бадиий юксаклигига баракали таъсир этган. Шу сабабли ушбу халқ ҳикояси бутун турк оламида ва турк бўлмаган кўплаб халқлар ижодида ҳозиргача ўз машҳурлигини сақлаб келмоқда.

Озарбайжон фольклорида Асли-Карам номи билан машҳур бўлган мазкур дostonнинг чоп этилиши анча қадимийдир. Дoston дастлаб 1300 ҳижрий (1879-1880) йилда Зинжонда босилган. Унинг турк тилидан таржима этилган навбатдаги нашри 1888 йилда Александрополда босилган. 1895, 1901, 1909, 1912 йилларда дoston кетма-кет равишда Тифлисида чоп этилган.

Шундан кейин 1930, 1935, 1938, 1939, 1961, 1966 йилларда Бокуда босиб чиқарилган ва мукамал нашри 1979 йилда эълон қилинган²¹. Озарбайжон мустақилликка эришгандан сўнг халқ ижодиёти тарғиботига кенг йўл очилиб, сўнгги йилларда яна қайтадан чоп этилди²². Озарбайжон олимларининг қайд қилишларича, чоп этилган вариантлар сюжет эътибори билан бир-биридан катта фарқларга эга эмас. Ушбу версияда Карам образига юксак романтик бўёқ берилган. У истаган нарсани сезувчи, сеҳргар бир шахс қилиб тасвирланади. Жумладан, у Асилхонларнинг кўчиб кетганини тушида кўриб, сезади. Асилхонни излаб боришида Жайронга йўлиқиб у билан сўзлашади. Ҳатто йўлда бир қабристонга йўлиқиб, мазордаги калла билан савол –жавоб қилишади. Шунингдек, М.Сəфəрли Карам фаолиятида эски

²¹ Азəрбајжан мəһəббət дастанлары. –Бакы, “Елм”, 1979. –Б. 70-166. (Нашрга тайёрловчилар: М. Тəһмасиб, Т.Фəрзəлијев, И.Аббосов, Н.Сəјидов.)

²² Қаранг: Azərbaycan dastanları. Beş cilddə. II cild. Bakı, “Lider nəşriyyat” 2005, 448 səh. (7-106); Azərbaycan folkloru külliyyatı, XX cild, Dastanlar (X kitab), Bakı, “Nurlan” nəşriyyatı 2010, 392 səh.(3-123)

шомонлик маросимига алоқадор хусусиятлар мавжудлигини таъкидлайди²³. Озарбайжон версиясидаги Асилхон образи ҳам бошқача хусусият касб этади. Турк версиясида вариантлар кўп ва архаик мифология ўзини анча барқарор сақлаган. Сюжетдаги айрим лавҳалар араб “Минг бир кеча”си мотивлари ва какнус куш афсонаси билан билан алоқага киришади.

Озарбайжон версиясида ҳам ушбу мотивларнинг акссадоси сезилади, бироқ турк версиясидаги каби бўртиб кўринмайди, мўъжазлик касб этади. Унда миллий алоҳидалик кучли намоён бўлади. Тасвирда батафсиллик, сюжетда кўламдорлик кўзга ташланади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “Туркман, ўзбек ва турк версияларининг типологик хусусиятлари” деб номланган бўлиб, дostonнинг туркман версияси оғзаки ва ёзма нусхалар орқали оммалашган. Туркман олимларининг таъкидлашларича, мазкур дoston XIV-XV асрларда Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Қорабоғ, Диёрбакир, Курдистон, Ироқ каби вилоятларда тарқалган оқ кўйли ва қора кўйли туркман қабилаларининг турмушига алоқадор асарлардандир²⁴.

“Асли – Карам” дostonи бўйича номзодлик диссертация ёзган Амангул Дурдиева ҳам ўша фикрни тасдиқлайди²⁵. Дostonнинг туркман версияси 1943, 1965 йилларда чоп этилган²⁶. 1998 йилда чоп этилган матнга 1916 йилда Тошкентда босилган тошбосма нусхаси асос қилиб олинган. Бироқ, мазкур дoston ўша тошбосма нусха орқали кўплаб туркман қиссахонлари репертуарига ўтиб оммалашган ва аста-секин бахшиларнинг оғзаки ижросига кўчган. Бахарден мавзеида яшаган Човдир бахши ва Хўжаназар бахшилар бу дostonни оғзаки равишда куйлаб юришган. 1928 йилда рус муסיқашуноси ўша бахшилардан “Асли –Карам” дostonига алоқадор кўшиқларни ёзиб олган²⁷. А.Дурдиеванинг ёзишича ҳозирги даврда (1970 йиллар) “Асли – Карам” дostonини тўлалигича биладиган бахши йўқ²⁸.

Дostonнинг туркман версияси кўплаб ёзма ва оғзаки вариантлар асосида тайёрланганлиги сабабли ўзбек версиясидан муайян фарқларга эга. Бироқ сюжетдаги мотивлар деярлик бир хил. Карам образи туркман версиясида ўзига хос миллий алоҳидаликларга эга. Ушбу версияда Карамнинг ёр васлига етишиш йўлида кечирган барча қийинчиликлари ўзбекча версиядаги воқеаларга ўхшасада, баъзан қаҳри қаттиқ бир шахзода тарзида ҳам намоён бўлади. У бир муножот ўқиганда тоғ иккига бўлинади, об-ҳаво ўзгариб кетади²⁹. Туркман версиясида Асилхон ҳам бирмунча бошқачароқ тасвирланади. Бу версияда у маълум даражада, жаҳлдор тарзда ифодага тортилади. Шунингдек, бу версияда Асилхон ҳам художўй қилиб тасвирланади. Қора Малик образининг фаолияти туркман версиясида янада кенгроқ тасвирланади. Шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш кераки,

²³ М.Сəфəрли. “Əсли-Кəрəм” dastaninin qədim qaynađi//Folklorşünasliq məsələləri.

²⁴ Асли-Керем. –Ашгабат, БТДН, 1943. –Б.9.

²⁵ Дурдыева А. Туркменский народный дeстан «Асли и Керем». АКД. Ашхабад. 1970. (18)

²⁶ Асли –Керем. –Ашгабат, БТДН, 1943; Асли-Керем. Ашгабат, “ Туркменистан, 1965.

²⁷ Успенский В. Беляев В. Туркменская музыка. Ашхабад, 1979. –С.46. (380)

²⁸ Ўша автореферат. 9-бет.

²⁹ Асли –Керем, Ашхабад -1965, 62-бет.

Туркменистон миллий қўлғезмалар институтидаги фондларда сақланаётган айрим намуналар жиддий ўзгаришларга учраб ўзбекча версиядаги муқобилларидан анча узоқлашган:

Ўзбекча версияда:

Мадорим йўқ бора билмам йўллара,

Думон келди, кечди соғу сўллара,

Туркман версиясида:

“Duman gelip gondi çayli billere,

Gözümnden yaş akip döndü sillere.

Кўздин ёшим оқди манинг еллара,

Ман бу йўлни қайсисина борайин.

(Ошиқнома, II китоб, 277-бет.)

Ahirimizda düşdüm garip illere

Men şu yolun hay si birine barayin,”

Туркман версиясининг 1965 йилда нашр этилган вариантыда ушбу шеърӣй парчалар ўзбекча муқобилларига жуда ўхшаш келади.

Институт фондидаги айрим тўртликлар эса ўзбекча версияга анча яқинлиги билан эътиборни тортади:

Қурбон ўлам зулфларини торина,

Тўкиб юрар ҳам соғина, сўлина,

Туркман версиясида:

“Gurban olam zülüplernin tarina,

Dökülüpdür hem sağina, soluna.

Дўсти қўйнинг мангзар жаннат боғина,

Ўлтирсанг то анда боғбон қувгунча.

(Ошиқнома, II китоб, 258-бет.)

Bir gül berdim nazli yarin eline,

Öldürme, köydürme gözden salınçam”.

Ўзбек версияси фақат қўлғезма нусха ва битта оғзаки вариантдан иборат бўлганлиги сабабли бундай вариантликлар анча кам.

Туркман версиясининг айрим шеър бандлари ўзбекчадаги вариантга қараганда туркча вариантга анча яқин келади:

Ўзбекча: Кийикдай қора қошлари,

Товус мисол юришлари,

Туркман версиясида:

“Galam bilen çekilipdir gaşlarin,

Hünci sadap düzülipdir dişlerin.

Инжудай оқдур тишлари,

Нозли маҳбублар келибдур.

(Ошиқнома, II китоб, 287-бет.)

Her tarapa dokuz örüm saçlarin

Astan-astan deđer yarin byline”.

Турк версияси:

İncü midir sedef midir dişleri,

Kale mile çekilmiştir kaşlari.

Sağ yanında siyâh- siyâh saçlari,

Salindikça döker ince beline.

(Duymaz, 2001. S.264)

Барча версиялардаги айрим шеърӣй парчаларнинг ўзаро ўхшаш келиши генетик алоқаларнинг акссадосидир.

Насрий матнлардаги сажъ санъати айниқса таъсирчан, равон ва оҳангдор шаклда қолиплашган:

Buna bir başka örnek: Güzel yüzlü, şirin sözlü, şahin bakışli, keklik sekişli, boylu boslu, saçi ibrişim telli, ak tenlü, yumuşak budlu, koş alnu gibi yumru yumru toharlu (?).yağ içre besili böbrek hanavurlu, serv kad, hale-had, püste-leb, sib-gab-gar³⁰. Гўзал юзли, ширин сўзли, шоҳин боқишли, кеклик шекишли (юришли) сингари ташбеҳларга асосланган сажъ тузилмаси ёрнинг сўзлаши, юриши, қадди қомати, гўзаллиги, ифатлилиги каби фазилатларини ўзига тўла қамраб олиб, унинг фусункор портретини намоён қилади.

³⁰ İlhan Başgöz, “Türk Halk Hikâyelerinde Söz Kaliplari”, Folklor Yazilari, Adam Yayinlari, Istanbul 1986, s. 47.

Турк олими А.Валкаюа “Карам ила Асли” достонидаги ёр таърифини куйидагича тасниф қилади:

Бўй (қадди қомат) таърифи. Ёрнинг қадди бўйи таърифларда асосан узун, баланд тарзида берилади. Калта бўй бирор жойда тилга олинмайди. Шу сабабли маъшуқанинг қадди қомати кўпроқ сарвга ўхшатилади:

Benim yarım incelerden incedir, Saçi sümül topuğundan yücedir,
Göğsindeki düğmeleri goncedir. Bir telini vermem dünya malına.

(Kerem ile Asli, a.g.e., s.36.)

Сарв ёғочи узун, ингичка шу билан бирга кўп шохали, кўп бутокли дарахтдир. Шу сабабли унда назокат ва кўпайиш рамзи мавжуд. Шунингдек, достонда *соч таърифи, чеҳра ва хол таърифи, кўз таърифи, либос таърифи* достонда гўзал мисраларда ифода этилган. Бобимизнинг илк фаслида турк версиясидаги мотивлар силсиласини қиёслаган эдик. Мазкур фаслда маъшуқа аъзоларининг таърифи версиялараро қиёсий таҳлил этилди.

Бинобарин, ёр қиёфаси тасвирида асосий эътибор узун бўй, сиёҳ соч, қора қош, ўқ киприк, инжа бел, қирмизи дудок, ол ёноқ каби унсурларга қаратилади. Айрим ҳолатларда ола кўз сифатлаши ҳам учрайди. Шу билан бирга бошдан оёқ ол кийинишга урғу берилади. Турк версиясидаги ушбу хусусиятлар унинг бадиий жиҳатдан юксак даражада эканлигини яна бир бор исботлайди.

Диссертациянинг “**Достоннинг тили ва бадиияти**” деб номланган учинчи боби икки фаслдан иборат. Дастлабки фасл “Достоннинг лингвопоэтик хусусиятлари” деб номланади.

Достонларнинг шаклланиш тарихининг қадимийлиги ва ижрочиларининг турли-туманлиги сабабли уларнинг лисоний хусусиятлари ниҳоятда мураккаб ва қизиқарлидир.

XIX асрда ёзувга олинган Хоразм достонларининг тили эса янада ўзига хослик касб этади. Уларнинг матнида халқона оғзаки нутққа оид лексика, форс, араб тилига хос ўзлашмалар, эски ўзбек тилига хос ифодалар қоришиқ ҳолда учрайди. Шу сабабли мазкур достонларнинг бадииятини текширганда уларга албатта лингвопоэтик усулда ёндошиш лозим бўлади.

